



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-505

«     »     20     г

**Бандихон тумани “Наврўз” массиви  
худудидан “BANDIXON AGRO BOG`LARI”  
МЧЖга боғ ташкил қилиш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/614-сон йиғилиш баёни, Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 05 августдаги 01-05/1246-сон хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/614-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Наврўз” массиви худудидан “BANDIXON AGRO BOG`LARI” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан кишлоқ хўжалик харитасининг 171қ, 160 ва 161-дала контуридаги жами 100,0 гектар яйлов ер майдонини боғ ташкил қилиш учун доимий эгалик ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов